

# ШАРТНОМА №1

Андижон тумани

17 январ 2022 йил

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи "Харид тайёрлов таъминот-2005" МЧЖ «Сотувчи» деб юритилади унинг номидан раҳбар А.Холдаров бир томондан, Андижон тумани МТБ бундан буён «Харидор» деб номланувчи номидан раҳбари Д.Мусаева иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

## 1.Шартнома асоси.

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган молларни етказиб беради.  
• «Харидор» эса ушбу молларни қабул қилиб олиб ҳисоб китоб қилади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Жами суммаси
1	Ун 1-нав	кг	50	2800	140000
2	Мол гўшти	кг	462	65000	30030000
3	Ош тузи	кг	22	1000	22000
4	Кора чой	кг	4	25000	100000
5	Қолинли нон 500 гр	дона	3700	1500	5550000
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					
21					
22					
23					
24					
25					
26					
27					
28					
29					
30					
	<b>Жами</b>				<b>35842000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: Ўттиз беш миллион саккиз юз қирқ икки минг сўмни ташкил этади.

## 2.Шартнома қиймати ва ҳисоб китоб тартиби

2.1. Ҳисоб китоб "Харидор" томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк иш кунинда «Харидор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30 % ини олдиндан аванс тариқасида «Сотувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70 % ини «Сотувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида 30 кунда ўтказиб беради.

2.4. «Харидор» томонидан 30 % и олдиндан тулов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 3 банк иш кунини давомида мазкур шартномада курсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни «Харидорга» етказиб беради.

2.5. Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Харидор» ҳисобидан қопланади

### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. "Сотувчи" ҳуқуқлари ва мажбуриятлари: - Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "товар (махсулот)" ни қабул қилиш асосидан зарар этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Агар "Товар (махсулот)" ни етказиб бериш жараёнида "Сотувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса "Харидор" нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. "Харидор" ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Харидор" ёки учинчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини қопланиши талаб қилишга;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини "Сотувчи" дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1 Томонлар жавобгарлиги - шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги 670-1 сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни (29.08.1998.й) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

### 5. Низоларни ҳал этиш тартиблари

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### 6. Форс-мажор

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар "Ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳам Ўзбекистон Республика Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

### 7. Бошқа шартлар

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисоб олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси "Сотувчи" да иккинчи нусхаси "Харидор" да сақланади.

### 8. Шартнома муддати

8.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

### 9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

"Харид тайёрлов таъминот-2005" МҶЖ  
Манзил: Андижон туман Ёрбоши кишлоғи

Телефон: \_\_\_\_\_

Трастбанк Андижон. фил

х/р: 20208000504348951001

МФО: 00069, ИНН: 205196024

ХХТУТ:



Раҳбар: \_\_\_\_\_ А.Холдаров

Андижон туман мактабгача таълим бўлими  
Анд т Куйган-ёр ШФЙ

Телефон: \_\_\_\_\_

МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳар

ШХР: 100022860032037091100251033

ИНН: 305153368 ХХТУТ:

Ушбе Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги  
Х/р: 201402000300100001010.

ФНП: 20122919 МФО 00014

МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳар



Раҳбар: \_\_\_\_\_ Д.Мусаева